Дунё тарихида ибтидоий тасвирий санъат, хусусан, горларнинг деворларига турли тасвирлар чизиш сўнгги палеолит даврига оиддир (Испания, Алтамир гори). Ўрта Осиёда унгурлар ва коятошларга ишланган расмлар мезолит даврида пайдо бўлади. Неолит даврига келиб эса ривожланган боскичга кўтарилади. Калтаминор, Хисор, айникса Жойтун маданиятига мансуб ёдгорликлардан ибтидоий санъатнинг турли намуналари топилган. Ўрта Осиёнинг тоглик худудларида кенг таркалган коятош расмлари ишланиш усулига кўра икки хил. Бир хиллари бўёк (охра) билан, иккинчи хиллари эса уриб-ўйиб ишкалаш, чизиш усули билан ишланган (петроглифлар) расмлардир.
Ўзбекистондаги коятош расмларнинг энг нодир намуналари Зараутсой, Сармишсой, Биронсой, Кўксарой, Такатош, Тераклисой кабилар бўлиб, улар юздан зиёддир. Бу ердаги коятошларда Ўзбекистоннинг кадимги ва хозирги хайвонот олами вакилларининг расмларини кузатиш мумкин. Улар ибтидоий букалар, шерлар ва йўлбарслар, коплон, тулки ва бўрилар, бугу ва жайрон кабилардир. Расмлар орасида ўк-ёй, узун килич, ханжар, дубулга, копкон каби нарсалар хам кўпчиликни ташкил этади.
Энг кадимги расмлар Зараутсой (Сурхондарё) бўлиб, бу расмлар мезолит-неолит, яъни мил авв. VIII-IV минг йилликларга оиддир. Коятош расмлари оркали ўша давр одамларининг ов, мехнат ва жанговар куролларини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, коятош расмлар кадимги авлодларимизнинг гоявий карашлари ва диний эътикодларини ўрганишда мухим ахамиятга эга.
Шуни таъкидлаш жоизки, ибтидоий санъатнинг энг ривожланган боскичи неолит даврига оиддир. Бу давр Жойтун, Калтаминор ва Хисор маданиятларига мансуб ёд-горликлардан ибтидоий санъатнинг жуда кўплаб намуналари топилган. Неолит даври одамлари идишларга хар хил рангдаги бўёк билан турли накшлар, одам ва хайвон тасвирларини ифода этганлар. Шу билан бирга лойдан ясалиб, пиширилган аёл хайкалчалари неолит даври санъатининг нодир намуналари хисобланади.